Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 31 декабрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 101 (6997)

Da'vat

Оила, унинг муаммолари, унинг иқболи ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз эътибори марказида бўлиши керак.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Шаҳрисабз туманидаги 78-таянч мактаби жамоаси катта ҳиммат кўрсатдилар — улар Китоб шаҳридаги Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болаларга ўқув қуроллари, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат хайрия совғалари тўҳфа этишди.

1998 yil — Oila yili

БАРЧА ОИЛАЛАР ШОДЛИККА ТЎЛСИН

Ўтаётган ҳар кунимиз тарих. «Инсон манфаатлари йили» деб ном олган 1997 йил ҳам тарих саҳифаларидан жой олади. Умуман ўтаётган йилимизда эсда қоларли янгиликлар, ўзгаришлар, воқеалар кўп бўлди. Таълим тизимида келажагимиз тамал тошини қўядиган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ҳозир илм масканларида иккала ҳужжат моҳияти чуқур ўрганиляпти, унинг ижроси билан боғлиқ илк қадамлар қўйилаётир.

Аслида Қонун ва миллий Дастурдан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришни нимадан бошламоқ керак? Асосий эътиборни қайси омилларга ёинки қайси бўғинларга қаратиш зарур? Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига бағишланган мажлисдаги нутқида билдирган «1998 йилни Оила йили деб эълон қилсак...» деган, таклифи ана шу саволларга амалий жавоб, шу билан бирга ўзига хос йўналиш бўлди, десак янглишмаймиз. Сирасини айтганда, иккала моҳиятан улкан ҳужжат ҳамда теран фикр ва чуқур асосларга бой Президентимиз таклифида қандайдир узвий боғлиқлик, инсоний тарбиямизга мос муайян қонуният бор.

Шоирлар, ёзувчилар эса ҳаётдаги ана шундай қонуният ва ўзгаришларни бир-бирига муқояса қилиб бирон-бир воқеа-ҳодисага муносабатини билдириб яшайдиган шахс, ижодкор бўлиш билан бирга улар ҳаётда бир қадам олдинда юрадиган замондошларимиз ҳамдир. Шу боис биз шоира Қутлибека РАҲИМБОЕВАнинг янги — 1998 — Оила йили тилаклари, оила, фарзанд тарбияси, она-Ватан туйғусини ўғил-қизларда қандай шакллантириш борасидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Қутлибека опа, оила нима ўзи, у қандай тушунча? 1998 йил — Оила йили деб эълон қилинганда, шу муносабат билан Президентимиз фармойиши чиққанда, энг аввало, хаёлингиздан нималар кечди?

— Ҳар бир оила авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъаналари, эътиқод, руҳиятларига кўра оролга ўхшайди. Дунёда бирбирини айнан такрорлайдиган икки оила йўқ. Аммо бир замон ва маконда яшайдиган оилаларнинг умумий жиҳатлари кўп булади, бирининг об-ҳавоси иккинчисига муттасил ўз таъсирини ўтказиб туради. Шунинг учун оила орол бўлиб яшай олмайди.

Менинг назаримда, оила — бу жамиятнинг бир мучаси. Унинг хаста ёки саломат эканлиги жамият кайфияти, ҳолатида акс этади.

Президентимиз келаётган йилимизни Оила йили деб аташни таклиф қилганларида дилимда яна бир умид шами ёнгандай бўлди. Чунки юқоридан қаралса қуйи бир хил кўринади — бетартиб ҳаракат, ғала-ғовур. Аммо пастроққа тушиб, яқинроққа қаралса, келди-кетдининг ўз йўли, изи борлиги сезилади, овозларнинг маъноси ҳам ойдинлашади. Демоқчиманки, ҳукумат халқни тўла англаган, билган сари, унинг оғриқ томирларини аниқ топиб, аниқ ташхис қўйган сари қабул қилган қарорлари кўпроқ самара беради. Оила йилининг эълон қилиниши ана шу билиш, англаш сари яна бир қадамдир.

— Ўғил-қиз тарбияси одамзотни доимо ўйлашга чорлаб келган. Уни илму одоб фани ҳамиша синчиклаб ўрганади. Бунинг сир-синоати нимада?.. Дейлик, оилада фарзанд дунёга келди. Фарзанд тарбиясини, Сизнингча, нимадан ва қачон бошламоқ керак?

— Турон заминда, умуман, Шарқда инсониятнинг руҳияти, маънавиятига доимо жуда катта эътибор билан қаралган.

Фарзанд тарбияси, илмда таъкидланишича, у Она қорнида — гумоналиги пайтидаёқ бошланиши керак экан. Эътибор берган бўлсангиз, фарзанд кутаётган аёлларга: «Чиройли нарсаларга қара, яхши нарсаларни ўйла», деб ўргатишади. Демак, Онанинг ўй-хаёллари, орзу-мақсадлари ҳали у ёруг дунёни кўрмасданоқ, вужудига ўрнаша бошлайди. Эртакларда «Паҳлавон бир ўғил қуриб, эл-улусни Дев зулмидан халос этаман» деб қаттиқ истаган Онанинг тилагининг ижобат бўлиши бу қуруқ тасаввур эмас.

— Ватан туйғуси ҳар кимнинг қонига она алласи, болаликда эшитган эртагу чўпчаклар, шеъру қўшиқлар билан киради. Аммо айни кунда алла айтиб боласини ухлатаётган оналарни, неварасига эртак сўзлаётган момоларни, ёшларга панд-насиҳат қилаётган маҳалла кексаларини ҳаётда жуда кам учратяпмиз. Шу ўринда бизни отадан ўғилга, онадан қизига, устозлан шогирдига ўтадиган маънавий мерос—удум, анъана масаласи бир оз ўйга толдиради. Балки тарбия усулларини тиклаш учун яна ўтмишга, халқ педагогикасига мурожаат қилиш лозимдир. Бунга қандай қарайсиз?

— Тўғри, пайқаганингиздай, бугун ҳар кимнинг иши, ташвиши ўзига етади. Шунинг учун неварага чўпчак айтаётган бувилар камлиги ҳам табиий ҳолат. Жамиятда сифат ўзгариши юз бераётир, одамлар шитоб билан бу ўзгаришга қўшилмаса (мосланмаса эмас) замон аравасидан тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун халқона айтганда, ўлиб-тирилиб ҳамма Озодлик кишиси руҳиятига киришга интилмоқда. Биров тушуниб, англаб интилмоқда, биров билмай «ур-ҳо»нинг шамолида юмалаяпти... Аммо бу невара эртаксиз, алласиз қолиб кетди, дегани эмас. Бугунги бола жуда катта ахборот чорраҳасида яшайди, ўзини ўнглашга ҳар дақиқа имкони бор. Удумлар, урф-одатлар — унинг камолотининг бир кичкина сўқмоғи, холос. Аслида унинг қонидаги хотира, ҳужайраларида тирик қолган ота-бобосидан ўтган нарсалар ҳаётида муҳим ўрин тутади. Кеча ота-боболари зўр бўлган бола бугун ҳам паст бўлмайди.

Аммо халқ педагогикасига мурожаат қилиш ҳақидаги фикрингизда жон бор. Биз жуда тез ўзгаришимиз керак, жуда тез, бўлмаса Озодликни қўлда тутиб туришимиз қийин, шунинг учун тарбиянинг барча усулларидан фойдаланиш керак. Мен бу йўл, усулларнинг ҳаммасини билмайман, аммо бу йўлларнинг ҳаммаси маърифат деган бир ёруг сўз, тушунча орқали ўтади. Болаларимизда тезроқ **«Шу эл меники, шу ер меники, мен унга жавобгарман, менга бу мерос ерда буюк инсонлар яшаган, мен унинг ор-номусини сақлашим керак»** деган Буюк эгалик ҳисси, Буюк Ғурур, ор-номусни уйғотишимиз шарт. Достон айтганда уйғонадиган бўлса, кечаси билан достон айтиш керак, эртак айтганда уйғонадиган бўлса — етти кеча-кундуз эртак айтиш керак.

— Қутлибека опа, ўқитувчилардаги қўпроқ қайси фазилатларни қадрлайсиз? Умуман, муаллимнинг маънавий қиёфаси, жамиятдаги ўрни қандай бўлиши керак?

— Ўқитувчи боланинг энг ишонган кишиси. Ўқитувчи — бола камолотида энг катта имкон. Унинг қўлидан кўп нарса келади. У шунчаки 45 минут дарс ўтиб, ўқучи ҳаётига кириб-чиқиб кетадиган одам эмас. У ўқувчининг идеали, уларда «Катталар олами» ҳақидаги тасаввурни шакллантирадиган инсон.

Менинг болаларим Мирзо Улуғбек туманидаги 64-ўрта мактабда ўқишади. Ҳудога айтганим бор эканми, иккаласи ҳам бошлангич синфда жуда ажойиб муаллималар қўлида савод чиқаришди. Ўқитувчи маънавиятидаги энг ёруг нуқта — унинг болаларга меҳри бўлиши керак, назаримда. Шу муҳаббатини қалқон қилиб ўқувчиларни яхши байроқ, яхши шиорлар остида жамлаши, ишончли қўшинга айлантирмоғи мумкин. Аммо уларнинг бугунги оғир юки, машаққатли ишига нисбатан маошлари камроқдай кўринади. Лекин чинакам ўқитувчи бу камни ҳам ўз касби, билими орқали тўлдиришга эришаяпти. Дарсдан ташқари пайтларда, ота-она илтимослари билан пуллик қўшимча дарс ўтаётган қўпгина муаллимларни биламан. Бундан кейин яхши ўқитувчиларнинг ошиғи олчи бўлишига ишонаман.

Муаллимнинг жамиятдаги ўрни унинг иши эҳтиёжми, заруратми ёки шунчаки хўжакўрсингами — ана шунга қараб белгиланади. Агар эртамизга илмли болалар зарур бўлса, бу иш муаллимлар елкасига тушса, вазифани таниш-билишми, пулми — яна алланималар бажармаса, унда унинг ўрни жуда юксак бўлади.

— Оила йили муносабати билан муштарийларимизга билдирадиган истак ва тилакларингиз?

— Исмда тақдирдан ишора бўлади, дейишади. Элимизнинг барча шодликлари оилаларимизники бўлсин! Бир-бировимизга куч-кувват бериб, яхши гаплар айтиб, кўнглимизни ўстириб, йилларданйилларга саломат, бағри бутун етиб бораверайлик!

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ
суҳбатлашди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

«Устоз» Республика жамғармаси фаолиятини таъминлаш тўғрисида

Узбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармонини ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш, таълим муассасалари, биринчи навбатда олий таълим муассасалари профессор-педагог ходимлари сафидан етук ўқитувчилар тайёрлаш, уларнинг ривожланган, демократик хорижий мамлакатлар таълимидаги ижобий тажрибаларни ўрганиши, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари билан танишиши ва чет элларда тажриба орттиришини қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қилади:

1. «Устоз» Республика жамғармаси ташкил этилганлиги ва Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганлиги инобатга олинсин.

2. Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси, Узбекистон банклар ассоциацияси, вазирлик ва идоралар, компаниялар, қўшма корхоналар, жамғармалар, олий ўқув юртлари ва бошқа ташкилотларнинг «Устоз» Республика жамғармаси муассислари сифатида иштирок этишлари эътиборга олинсин ҳамда уларнинг жамғармага молиявий, моддий-техникавий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

Жамғарма барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий ташкилотлар, уюшмалар, жамғармалар ва фуқаролар учун очиқ деб эълон қилингани маъқуллансин.

3. «Устоз» Республика жамғармаси бошқаруви таркиби, жамғарманинг Низоми ва унинг тузилмаси маъқуллансин.

4. Қуйидагилар «Устоз» Республика жамғармаси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Узбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устувор йўналишлари бўйича таълим муассасалари, биринчи навбатда олий таълим тизими профессор-педагог ходимлари сафидан етук ўқитувчи кадрлар тайёрлашга кўмаклашиш;

иқтидорли ёш педагогларни аниқлаш, уларнинг қобилияти, ижодий салоҳиятларини ривожлантириш, касб малакасини юксалтириш, ривожланган демократик давлатларнинг етук ўқув юртларида ва марказларида тажриба орттиришга кўмаклашиш;

профессор-педагог кадрларни хорижий таълим муассасаларида малака оширишга юбориш мақсадида танловлар ўтказиш;

хорижда малака ошираётган ва тажриба орттираётган профессор-педагогларнинг таълим олиш жараёни, шунингдек, ўқишдан кейинги меҳнат фаолияти мониторингини олиб бориш, уларнинг илмий-педагогик салоҳиятидан унумли фойдаланишга кўмаклашиш;

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишни жадаллаштиришга қаратилган Жамғарманинг мукофотларини таъсис этиш;

профессор-педагог ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш мақсадида ҳомийлар, шу жумладан халқаро ташкилотлар ва жамғармалар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш , ички ҳамда чет эллик сармоядорларнинг инвестицияларини юқори малакали профессор-педагог ва ўқитувчи кадрлар тайёрлашга жалб қилиш;

таълимга доир халқаро лойиҳа ва дастурларда иштирок этиш, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига ривожланган демократик мамлакатлар таълим тизимининг илғор тажрибаларини ёйиш.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Узбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши:

ривожланган демократик мамлакатлар таълим тизимидаги ижобий тажрибалари ўрганиладиган чет эл таълим муассасалари ва марказларини аниқлашда жамғармага кўмаклашсинлар;

чет элда билим олаётган ва малака ошираётган профессор-педагог кадрларни Узбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига оид зарур ахборот, манбалар билан узлуксиз таъминласинлар.

6. Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг заҳирасидан Жамғарма фаолиятини ташкил этиш учун 25 миллион сўм маблағ ажратсин.

7. Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси Жамғармани ўз биносига жойлаштирсин ҳамда компьютер техникаси ва офис жиҳозлари билан таъминласин.

8. Узбекистон телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари жамғарма фаолиятини мунтазам ёритиб боришни таъминласинлар.

9. Узбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Жамғармани алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

10. «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси Жамғармага хизмат кўрсатиш учун иккита енгил автомобиль, Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги унинг харажатлари учун зарур бўлган лимит ажратсинлар.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил 30 декабрь

БОЛАЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ

Куни кеча муҳташам «Туркистон» саройида ўтказилган «Президент арчаси» атрофидаги томошалар Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, кам таъминланган оилаларнинг ўғил-қизларига, ўқувчиларга олам-олам шодлик ато этди, десак янглишмаймиз. Негаки, байрам аввалида Президентимиз Ислом Каримовнинг болаларга йўллаган Янги йил табриги ўқиб эшиттирилди ҳамда Президент совғалари топширилди.

Анъанавий Қорбобо ташрифи болажонлар қувончига қувонч қўшди. «Томоша», «Ором», «Турон» каби болалар гуруҳлари, шунингдек, эстрада юлдузлари ва цирк артистлари чиқишлари байрамга янада файз киритди.

Катта байрам тадбирида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчилари Ўткир Раҳматов, Тўхтапўлат Рисқиев, Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев, Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевлар иштирок этишди.

***

Самарқанд шаҳридаги «Афросиёб» меҳмонхонасида ҳам вилоят Меҳрибонлик уйлари болаларига Президент совғаларини топшириш маросими бўлди. Совғаларни болаларга вилоят ҳокими Алишер Мардиев топширди.

Шу куни Алишер Мардиев 60-Меҳрибонлик уйида ҳам бўлиб, тарбияланувчиларга Президент совғаларини топширди, ҳокимлик номидан эса иккита гилам совға қилди. Шунингдек, ҳомий ташкилотлар ҳам Меҳрибонлик уйларига ўз совғалари билан ташриф буюришди. Хулпас, вилоятдаги барча Меҳрибонлик уйларида ўша куни Арча байрами кенг нишонланди.

Қ. МАТҚУРБОНОВ

МММ

ХАБАРЛАРИ

БАЙРАМГА УЛАНГАН БАЙРАМ

Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманидаги 21-«Шодлик» мактабида бўлиб ўтган катта тантана, яъни Саводхонлар байрамига вилоят, туманлардан меҳмонлар ташриф буюришди. Улар ичида «Шодлик» алифбоси муаллифларидан бири, педагогика фанлари доктори Қумри Абдуллаева ҳам бор эди.

Кичкинтойлар тез орада равон ўқишни, чиройли ёзишни, фикрни қийналмай ифодалаб беришни, саноқ малакаларини пухта эгаллаганликлари байрам қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Ойширин БОЗОРОВА

ЛИЦЕЙДА ТЕННИС МАЙДОНИ

Шовот туманидаги 1-Ал-Хоразмий номли вилоят ёш математиклар ва физиклар лицейида спортни ривожлантиришга катта эътибор бериляпти. Жумладан, лицейда теннис майдони барпо этилган. Теннис тўгараги ҳам фаолият кўрсатмоқда. Лицей директори Рузимбой Оллаберганов нинг айтишича, теннис кортини бунёд қилиш учун маблағ манбаларини излашяпти. Ажаб эмас, буш пайтларида севимли машғулот — теннис ўйини билан шуғулланаётган иқтидорли талабалар орасидан иқтидорли теннисчилар —чемпионлар ҳам етишиб чиқишса.

Ғойиб ЁҚУБОВ

АНЪАНАЛАР РУҲИДА

Избоскан туман халқ таълими бўлимида бошланғич синфлар ўртасида «Узбекистон — Ватаним маним» мавзусида кўрик-танлов ўтказилмоқда. Бу танловда ўқувчиларни Ватанга, миллий анъаналар ва қадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш, санъатга бўлган қизиқишларини ошириш назарда тутилган.

Тумандаги 19-, 20-мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган ушбу танлов ғоят қизиқарли ва баҳс-мунозаралар билан бўлиб ўтди. Бунда ўқувчилар Ватанни мадҳ этувчи шеърий композициялар, она тили, математика фанлари бўйича олган билимларини намойиш қилдилар.

Кўрик-танловда 19-ўрта мактаб ўқувчилари ғолиб бўлдилар. Ғолибларга Избоскан туман халқ таълими бўлими фахрий ёрлиқлари, фуқаролар йиғинларининг эсдалик совғалари топширилди.

Шуҳратбек КЕЛДИЕВ

МММ

ХАБАРЛАРИ

ЎТГАН КУНЛАРГА НАЗАР

Sarhisob

Ҳар қандай ишнинг натижаси олдиндан кўрилган чора-тадбирларнинг қанчалик пишиқ-пухта тузилганлиги, бевосита амалиётчиларга етказилиши ва сўнгра оқилона назоратига яраша бўлади. Халқ таълими вазирлигидаги мавжуд бошқармаларнинг асосий иши ҳам шундан иборат. Бугун хайрлашаётганимиз — 1997 йил таълим соҳаси учун айниқса сермазмун бўлди. Республикада бу соҳани изга солувчи икки муҳим ҳужжат — «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» қабул қилинди. Хайрли кечган ушбу йил поёнида биз ушбу бошқармаларда амалга оширилган эсда қоларли асосий ишлар билан муштарийларимизни бохабар этишни маъқул топдик.

Гуландон АЛИМОВА, Умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи:

— Бошқармамиз энг долзарб вазифалардан бири — ўқитувчи маҳоратини ошириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш борасида ибратли ишларни амалга оширяпти. Негаки, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ўқитувчи шахси билан ҳам боғлиқдир.

Эл равнақи, барибир илмга, истеъдодга бориб тақалади. Шу боис биз истеъдод масаласига алоҳида эътибор билан қараяпмиз. Ўқитишни такомиллаштириш мақсадида турли тадбирлар, баҳс-мунозаралар, беллашувлар, олимпиадалар ўтказиляпти. Сирасини айтганда, бу йилги республика олимпиадасида 245 нафар ўқувчи ўзаро беллашишди. Мазкур баҳсда 53 нафар истеъдодли ўқувчи юқори натижа кўрсатиб, олий ўқув юртлари талабалари бўлишди.

Узбекистонимизнинг бир гуруҳ иқтидорли ўқувчилари эса фанлар бўйича жаҳон олимпиадаларида иштирок этиб, 10 та олтин, 4 та кумуш, 17 та бронза медалларини ва 3 та юқори даражали дипломларни қўлга киритдилар. Халқаро олимпиадаларда энг юксак натижалар кўрсатган 12 нафар 11-синф ўқувчилари Президентимиз фармонига мувофиқ олий ўқув юртларига имтиҳонсиз имтиёзли қабул қилиндилар.

Ўқувчилар билимини рейтинг усулида баҳолаш, таълим тизимига энг илғор технологиялар олиб кириш, таълим соҳаси билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, жойларда тажриба-синов майдончаларини ташкил этиш борасида ҳам янгилик ва ўзгаришлар анчагина...

Ҳозир Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастури» дан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга қатъий киришганмиз. Қисқаси, янги — 1998 — Оила йилини эзгуликларни дилимизга жо қилган ҳолда, ўзига хос ишчанлик руҳи, кайфияти билан кутиб олаётирмиз.

Мухтор ЯҲЁЕВ, Педагогик таълим, фан ва малака ошириш бошқармаси бошлиғи:

— Бошқармада олий педагогик мутахассисликларнинг ҳамда мутахассислик фанларининг стандарт лойиҳалари ишлаб чиқилди ва улар ҳозирги кунда синаб кўрилмоқда. Талабалар билими назоратининг тест-рейтинг тизими ҳамда янги намунадаги қулай, умумлашган «Рейтинг-синов дафтарчаси» жорий қилинди ва барча педагогика институтларининг талабаларига тарқатилди. Давр талабидан келиб чиқиб барча педагогик институтларда чет тиллар, иқтисодий, ҳуқуқий йўналишларда янги мутахассисликлар очилди. Мактабгача тарбия муассасалари учун узбек тилидан ташқари рус ва инглиз тилларида илк сабоқ бера оладиган педагог-тарбиячиларни тайёрлашга утилди. Педагогика ўқув юртларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

Фан бўйича аспирант, докторант ва илмий изланувчиларнинг педагогика, психология ва хусусий методика соҳасидаги энг яхши мақолалари танлови якунланди ва 6 та мақоладан иборат туплам чиқарилди ҳамда уларнинг муаллифлари мукофотланди.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича «Иқтисодий билимлар ва тадбиркорлик асослари» курси бўйича 1997 йилда 760 та тингловчи иккинчи мутахассислик дипломини олди.

Бу йил асосий эътибор умумтаълим мактаблари ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиларини қайта тайёрлашга қаратилди ва Низомий номли ТДПИда қўшимча равишда 125 та ўқитувчи қайта тайёрланди.

Ҳамида АҲМЕДОВА, Мактабгача тарбия бошқармаси бошлиғи:

Мустақил диёримиз болаларининг баркамол инсон бўлиб вояга етишлари учун уларга илк ёшданоқ мустаҳкам таълим-тарбия беришга қаратилган болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, янги педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига олиб кириш каби бир талай ишларни амалга оширдик.

Мактабгача тарбия тизимини ривожлантиришнинг 2000 йилгача бўлган истиқбол дастури ҳамда «Мактабгача ва бошланғич таълим муассасаси тўғрисида» намунавий Низом ишлаб чиқдик. Мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш бўйича қўрик-танлов ўтказдик.

Узбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни тузишда фаол иштирок этиб, «Мактабгача таълим»ни тубдан ислоҳ қилиш чораларини белгиладик.

Мактабгача тарбия муассасаларига янги педагогик технологияни татбиқ этиш давом эттирилиб, Самарқанд вилоятида германиялик мутахассислар ҳамкорлигида семинар ташкил қилдик. Ҳозир мактабгача тарбия муассасаларида хорижий тилларни ўргатишга катта аҳамият берилаётир. Айни чоғда мингдан ортиқ муассасаларда кичкинтойларга чет тиллар ўргатилмоқда. Бу борадаги ишларни такомиллаштириш мақсадида Бекобод шаҳрида давра суҳбати ҳамда амалий машғулотлар ўтказдик.

Одилжон ХОЛМАТОВ, Иш юритиш бошқармаси бошлиғи:

— Бошқармамизни халқона ибора билан «чиғириқхона» деб атагим келади. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг, барча юқори ташкилотларнинг, вазирлигимизнинг қарор ва фармойишлари, буйруқ ва кўрсатмалари, ҳужжатлари аввало бизга келиб тушади.

Бу йил ҳам одатдагидек иш анча кўп бўлди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 120 та турли қарор ва фармойишларини ҳисобга олиш, тегишли муассасаларга жўнатиш ва ижросини назорат қилишга масъул бўлдик. Юқори ташкилотлар — Президент Девони, Олий Мажлисдан бизга келиб тушган 346 та турли хил ҳужжатларни тегишли доирада назоратга олдик.

Республика Халқ таълими томонидан ишлаб чиқилган буйруқларни вилоятларга, тегишли таълим муассасаларига жўнатиш, ижроси устидан назорат ўрнатиш ҳам бошқармамиз гарданида. Йил мобайнида бундай буйруқларнинг 151 таси ишлаб чиқилган бўлиб, вилоят халқ таълими бошқармаларига жўнатилди. Уз навбатида ВХТБлари ҳам мазкур буйруқлар асосида тадбирлар белгилашди.

Бизда ҳужжатларни юритиш турли йўналишларда ташкил этилган бўлиб, йилнинг ҳар бир ойи учун алоҳида-алоҳида папкалар очилган. Маълумотнома, билдиришнома, буйруқ, қарор, фармойиш, йўриқнома, алоқа хати ва ҳоказо ҳужжатлар беш йил муддатгача бошқармамизда сақланиб, сўнгра архивга топширилади.

ТАРАДДУД ВА ИЖРО ЙЎЛИДА

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 16 декабрдаги «Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини ва Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш» ташкилий қўмитаси мажлисининг баённомаси асосида Халқ таълими вазирлигининг ҳам тадбирлари ижро учун жойларга юборилган. Шунга асосан халқ таълими муассасаларида бу икки буюк шахс Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва фаолияти ҳақида барча халқ таълими муассасаларида мавзули суҳбатлар, махсус дарс соатлари ва турли тадбирлар ўтказилиши режалаштирилди.

Жумладан, Андижон педагогика билим юртида Андижон давлат университети ходимлари билан ҳамкорликда «Имом ал-Бухорий ва унинг Марказий Осиё маданиятида тутган ўрни» мавзусида ижодий суҳбатлар уюштирилди. Ҳозирда бошқа таълим муассасаларида ҳам алломаларнинг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ», «Ал адаб», «Муфрад» каби асарларини урганишга бағишланган семинарлар ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, 1998 йил октябрь ойида олий ва ўрта махсус педагогика ўқув юртларида, республика таълим Марказида, педагогика илмий текшириш институтида «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни» мавзусида илмий анжуман ўтказиш режалаштирилган.

Тоира СУЛТОНОВА, ХТВ маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи муовини

Dil izhori

ЙИЛЛАР СЎРАР ҚАДРИНИ

Йиллар ўтиб бормоқда. Улар ҳар биримиздан ўз қадрини сўрайди. Зеро, вақтда ҳар биримизни лол қолдирувчи шиддат бор. Янги аср бўсағасидаги йил эшик қоқаётган лаҳзаларда кишининг юрагини юк босгандек бўлади. Негаки яна бир йил ортда қолди...

Ўтиб кетган йилда ким нимага улгурди? Ким вақтни бой берди? Замондошларимиз борки, ўтган йил улар учун унутилмас бўлиб қолди. Улар меҳнати қайсидир даражада тақдирланган кишилардир.

Қуйида узоқ йиллик ва самарали хизматлари ҳисобга олинган ўқитувчи, мураббийларнинг дил изҳорлари тўкилган.

Тоштемир ИСМОИЛОВ, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби, Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туманидаги 33-мактаб физика ўқитувчиси:

— Умр дафтаримиздан яна бир саҳифа ёпилди. Оддий муаллим сифатида 1997 йилдан миннатдорман. Нега дейсизми?

Чунки мен ўзимнинг камтарин хизматларим шу даражада юксак мукофотланишини кутмаган эдим. Мустақиллик байрами арафасида исм-шарифимни газетада ўқиб қолдиму, севинчдан кўнглим тоғдек кўтарилди. Президентимиз имзо чеккан фармонга мувофиқ, мен «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган эдим. Мактабимиз жамоаси, дўст-биродарларим, қариндош-уруғларим мени табриклашди, эзгу тилаклар билдиришди. Бундан ортиқ қувончли лаҳзаларни ҳали бошимдан кечирмаган эдим.

Ҳамидахон МАДАМИНОВА, II-даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси, Қўқон шаҳридаги 5-махсус мактаб-интернати директори.

Ўқитувчининг меҳнати йиллар оша юзага чиқади. Давр эса тутқич бермасдан ўтиб кетаверар экан. Бу йил хотирамда қоладиган бўлди. Шу пайтга қадар мактаб, болалар дея ёниб, куйиб-пишиб юрганларимга берилган олий мукофотдан суюнмай бўладими?

Болалар мактаб-интернатига раҳбарман. Унинг моддий таъминоти, болаларнинг савод чиқариши, машғулотларда кўникма ҳосил қилишлари, хуллас, ҳар куни бир дунё иш, ташвиш. Соғлигида нуқсони бўлган болаларни асраб-авайлаш, уларда илғанган истеъдоднинг қайсидир қирраларини ривожлантиришга жамоамиз аъзолари масъул. Бунинг юки менга кўпроқ тушади.

Ташрифи қутлуғ 1998 йилнинг оилаларга бағишланиши қалбимни бир олам қувончга тўлдирди. Оддий маорифчи сифатида дейманки, юртимиздаги оилаларда фақат ва фақат соғлом фарзандлар дунёга келсин? Ногирон болалик дилларимизни оғритмасин!

Малика ФАЙЗУЛЛАЕВА, «Шуҳрат» медали соҳибаси, Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 534-болалар боғчапси тарбиячиси.

— Болалар-жону дилим, уларга нисбатан меҳрим туганмас. Боғчада, болалар қуршовида ишлашнинг шу томони қизиққи, кичкинтойлар ой ўтиб, йиллар кетидан улғаядилар. Ана шунда биз тарбиячилар улар хотирасига «боғча опа» сифатида муҳрланамиз.

Менга «Шуҳрат» медалининг берилиши, албатта шунчаки гап эмас. «Катта гуруҳда нутқ ўстириш» ишланмасига муаллифман. Шаҳар халқ таълим бош бошқармаси, туман халқ таълими бўлими билан маслаҳатлашиб, ишланмамни пойтахтдаги болалар боғчаларида қўллашга тавсия этишди.

Суюн ҲАЙДАРОВ, «Халқ таълими аълочиси», Навоий вилояти, Нурота туманидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси.

— Иш жойим-қишлоқ мактаби. Бу йил «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирландим. Қачондир ўзимга бундай нишон берилишини билардим ва буни кутардим. Чунки киши йиллар мобайнида чеккан заҳматларию машаққатларини ён-атрофдагилар ҳам илғашини билиб, ҳис қилиб яшайди. Номзодимни бу фахрий нишонга тавсия этган ҳамкасбларимдан мамнунман.

Кўнгилнинг тўридан тўкилувчи туйғуларим кўп. Кириб келаётган янги йил барча ҳамкасбларимнинг имкониятларини кенгайтирсин! Улар ўз оилаларидан бахт-иқбол топишсин!

Дил изҳорларини Ҳ. ТЎЙМАНОВА тайёрлади

Ўткир РАУФОВ, Ҳунар-техника таълими Бош бошқармаси бошлиғи:

— «Таълим тўғрисида»ги янги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» бўйича республика ҳунар таълими ўқув муассасалари фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, уларни бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш ишларига катта эътибор бердик. Янги касб ва ҳунарларнинг ўқув режаси ва дастурларини ишлаб чиқиб, жаҳон стандартлари талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш мақсадида 20 та касб бўйича 10 та касб-ҳунар ўқув муассасаларида тажриба майдончаларини очиб, синов ишларини олиб бордик.

Жойларда ишчи гуруҳлар ташкил қилиб, янги «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва миллий Дастурга узлуксиз таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш мақсадида ва ҳозирги ҳунар таълими тизимидаги бор зиддиятларни ҳисобга олган ҳолда ўз таклифларимизни киритдик.

Ҳозирги кунда мазкур ишчи гуруҳлар ушбу иккала муҳим ҳужжатни амалга ошириш йўлларини излашмоқда.

Сойибжон АЛИЕВ, Ўқув-ишлаб чиқариш, компьютерлаштириш ва бозор тизилмаларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи:

— Биз таълим муассасаларини янги технологик жиҳозлар билан бойитишимиз керак. Ўқув-ишлаб чиқариш, компьютерлаштириш жараёнлари бозор тизилмаларини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

1997 йил давомида умумтаълим мактабларини компьютерлаштириш асосий диққат-эътиборимизда бўлди. 200 дан ортиқ синф-комплект компьютер техникаси ўқув муассасаларига ўрнатилди. «Синф комплект» деганда, уларнинг ҳар бирида 10-12 та «IBM» компьютери мавжудлигини ҳисобга олиш лозим.

Энг яхши педагогик дастур воситаларини яратиш, танлаш, уларни амалда қўллаш ва муаллифлар ишини оммалаштириш мақсадида шу йилнинг апрель ойида Самарқанд шаҳрида «Педагогик дастур воситалари ва ўқув-методик адабиётлар» кўрик-танлови ташкил этилди. Унда 90 дан ортиқ муаллиф ўз дастур воситалари, кўргазмали қуроллари ва қўлланмалари билан қатнашишди.

Июнь ойида «Ёшлик» республика соғломлаштириш марказида «Ёш информатиклар»нинг ёзги мактаби ва шу соҳа мутахассислари учун лекторлик курси ўтказилди.

Барча педагогика билим юртларида 1997-98 ўқув йили имтиҳонларини компьютерлар ёрдамида ўтказиш учун дастур, тест саволлари яратилда ҳамда шулар асосида имтиҳонлар ўтказилди.

Ўқув юртларида кенг истеъмолдаги саноат моллари ишлаб чиқариш, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 1996 йилга қараганда 2 баравар ошди. Буни 30-31 май кунлари ўқув муассасалари устахоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг VIII республика ярмаркаси амалда тасдиқлади.

Марат ШАФИЕВ, Маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи:

— Ўтаётган йилда Халқ таълими вазирлиги, ижодий уюшмалар, республика прокуратураси, ички ишлар вазирлиги, жамғармалар, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда таълим-тарбияга оид кўплаб тадбирларни ўтказди. Жумладан, республика миқёсида олти йилдан бери Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда «Ижодкор ўқитувчилар», «Ижодкор ўқувчилар» анжуманларини ўтказмоқдамиз.

Бу йил ўқитувчиларимизнинг ана шу ижод намуналари «Муборак дамлар» номи билан 10 минг нусхада китоб қилиб чоп этилди. Яна айтиш мумкинки, мамлакатимизда икки йилдан бери ўтказилаётган Қўшиқлар байрамида ўқувчи-талабаларимиз, ўқувчи тарбиячиларимиз фаол иштирок этишмоқда. Бу йил Қўшиқлар байрамига тайёргарлик жараёнида республика бастакорлар уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликдаги ишимиз натижасида яратилган янги қўшиқлар «Узбекистон — Ватаним маним» номи билан иккинчи маротаба китоб ҳолида нашр этилди.

Бундан ташқари, «Иқтидорли болалар» слети, бадиий ижодиётга, техникага, экологияга, саёҳат ва туризмга оид кўплаб тадбирлар ўтказилдики, бу албатта бажарилиши лозим бўлган ишларимизнинг ҳаммаси эмас. Демоқчиманки, эски йилда елкамиздан тушмай қолган юмушларимизни янги йилда янги режалар билан биргаликда уддалаймиз, деган ниятдамиз.



Толибжон МЎМИНОВ, Халқаро ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи:

Узбекистон дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан таълим соҳасида ҳамкорлик қилаётир. Бу, албатта, унинг истиқболига умид билан қарашимизга имкон беради. Рақамларнинг замирида фаолиятимиз мужассам. Бу йил халқаро ҳамкорлик соҳасида залворли ютуқлар қўлга киритилди. Юртимиздан илм-фанга, таълим соҳасига дахлдор кишилардан 590 нафари турли хорижий мамлакатларда ўқиш, малака ошириш, халқаро семинар, анжуманларда иштирок этиш учун юборилди. Улардан 501 нафари мактаб ўқувчилари, 58 нафари ўқитувчилар ва 8 нафари талабалардир. Олий педагогика ўқув юртларининг 3 нафар ўқитувчиси, халқ таълими ходимларидан 20 киши ҳам турли чет давлатларга хизмат сафарига бориб келишди.

Уз навбатида жонажон диёримизга дунёнинг олис-яқин, катта-кичик мамлакатларидан ташриф буюраётган делегациялар таълим соҳасида ҳам ҳамкорлик қилиш юзасидан аҳдлашадилар. Шулардан 52 таси ана шундай ниятда. АҚШ, Япония, Корея, Туркия, Франция каби давлатларни бунга мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Ramazon oyingiz muborak bo'lsin

КЕЛИНГ, ПОКЛАНАЙЛИК

Сезяпсизми, бир муқаддас ойнинг қаршиладик. Англияпсизми, бир муборак йилнинг қаршисида турибмиз. Бу ой — Рамазони шариф, бу йил Оила йилидир. Бахтли тасодифни қарангки, ҳукуматимиз раҳбари Оила йили деб эълон қилган 1998 йил Рамазон ойи билан бошланмоқда. Бунда ўзига хос ҳикмат яширинмаганмикин?!

Рўза ойида ғийбат, ёлғон, бўҳтон сўзлар сўзланмайди. Аҳиллик, меҳрибонлик, ҳурмат, сахийлик фазилатлари кишиларни янада жипслаштиради. Бу муқаддас ой ёмон иллатлардан бутунлай фориғ бўлиш, яхшиликлар хазинаси калитини қўлга киритиш ойидир.

«Рўза оташдан қалқондир, рўза Маним учундир, унинг мукофотини Мен бергайман. Зеро, рўзадор емагини, ичмагини, нафсоний орзуларини фақат Мен учун тарк этгай. Рўзадор оғзининг ҳиди Аллоҳ учун мушк ҳидидан ҳам ёқимлироқдир», дейилади илоҳий ҳадисларда. Бугунги кунда дунё илм-фани, унинг инсон фарзанди учун нақадар фойдали эканлигини исботлади. Рўзанинг хосияти ҳақида соатлаб гапиришимиз мумкин. Келинг, яхшиси уни ҳар биримиз амалда синаб, бу дунёдаги ва охиратдаги фойдаларига узимиз гувоҳ бўлайлик. Хайрли рўза ойи билан бошлаган оила йилимиз ҳам яхшиликлар йили бўлсин.

Норали АСЛОН

Рамазон кунлари	Декабрь Январь	Ҳафта кунлари	Саҳарлик тугаши	Ифтор вақти
1	31	чоршанба	6:09	17:04
2	1	пайшанба	6:08	17:05
3	2	жума	6:08	17:05
4	3	шанба	6:07	17:06
5	4	якшанба	6:06	17:07
6	5	душанба	6:06	17:08
7	6	сешанба	6:06	17:09
8	7	чоршанба	6:05	17:10
9	8	пайшанба	6:05	17:11
10	9	жума	6:04	17:12
11	10	шанба	6:04	17:13
12	11	якшанба	6:03	17:14
13	12	душанба	6:03	17:15
14	13	сешанба	6:02	17:16
15	14	чоршанба	6:01	17:17
16	15	пайшанба	6:01	17:19
17	16	жума	6:00	17:21
18	17	шанба	5:59	17:22
19	18	якшанба	5:58	17:23
20	19	душанба	5:58	17:24
21	20	сешанба	5:57	17:25
22	21	чоршанба	5:56	17:26
23	22	пайшанба	5:55	17:27
24	23	жума	5:54	17:28
25	24	шанба	5:53	17:30
26	25	якшанба	5:52	17:31
27	26	душанба	5:51	17:32
28	27	сешанба	5:50	17:33
29	28	чоршанба	5:48	17:35
30	29	пайшанба	5:47	17:37

ТОШКЕНТ ВАҚТИ БИЛАН ТАФОВУТ (дақиқа ҳисобида):

АВВАЛ: Андижон — 12, Жамбул, Қўқон — 7, Наманган, Фарғона — 10, Уш — 14, Ҳужанд — 6.

КЕЙИН: Бухоро — 11, Денов — 7, Жиззах — 6, Нукус — 38, Туркистон — 4,Самарқанд — 9, Урганч, Хива — 35, Қарши — 11.

ИЗОҲ: Рўзанинг бошланиши Ой куринишига қараб бир кунга фарқ қилиши мумкин.

Камол УБАЙДУЛЛА МАҲМАТҲОЖИ ўғли, Ижтимоий масалалар бошқармаси бошлиғи:

Бу йил Президентимизнинг давлат тасарруфидаги таълим муассасалари ходимларини ижтимоий шароитларини яхшилаш борасидаги Фармонларини ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини жойларда тушунтириш ҳамда амалга оширилиши туфайли 102974 нафар педагог ходимлар ўзлари яшаётган давлат уйлари, 22225 нафарига эса ташкилотлар тасарруфидаги уйлар хусусийлаштириб берилди, 43617 нафари эса шахсий қурилиш учун ер майдонлари билан таъминланганлар.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 август 409-сонли «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан Республикамизда 1-синф ўқувчиларига 12 номдаги ўқув қуроллари жамланмаси берилди. Шунингдек, бошланғич синфлардаги улар умумий сонининг 15 фоизига, таъминланган оилалар болалари учун қишки кийим намунаси тегишли ташкилотлар билан ишлаб чиқилиб, умумий тартибда тикишга енгил саноат корпорацияси ишлаб чиқариш корхоналарига буюртма берилиб, етишмаган номларини хорижий давлатлардан олиб келиниб, октябрь ва ноябрь ойларида бепул тарқатилди.

Умуман олганда ўтаётган йилимизни сарҳисоб қилар эканман, ҳар қалай умримизнинг яна бир йили беҳуда кетмагандек.

"Boyqozon" ijara jamoa xo'jaligi

Aziz vatandoshlar!
Yangi yilingiz muborak bo'lsin!
Muqaddas Ramazoni sharif oyi bilan boshlanayotgan 1998 yil barchamizga xayrli bo'lsin!
Oila atalmish muqaddas tuyg'u har birimizning qalbimizda yanada kamol topishini tilab qolar ekanmiz, mamlakat qishloq xo'jaligi ustuvor sohaga aylanishida o'z hissamizni qo'shayotganimizdan mamnunmiz.
El - yurt dasturxonini to'kin - sochin qilayotgan dehqonlar, paxtakorlaru sohibkorlar mehnatiga, Allohdan baraka yog'ilaversin!









Toshkent viloyati, Parkent tumani.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Болалар боғчалари — 725 та
Тарбиячилар — 5621 нафар
Тарбияланувчилар — 66003 нафар
Умумтаълим мактаблари — 756 та
Ўқитувчилар — 35313 нафар
Ўқувчилар — 464467 нафар
Касб-ҳунар мактаблари — 33 та
Ўқитувчи, усталар — 1290 нафар
Ўқувчилар — 16603 нафар
Янги турдаги таълим муассасалари — 74 та
Ўқитувчилар — 1150 нафар
Ўқувчилар — 11543 нафар
Педагогика билим юртлари — 4та
Ўқитувчилар — 339 нафар
Ўқувчилар — 3850 нафар

YANVAR

D		5	12	19	26
S		6	13	20	27
Ch		7	14	21	28
P	1	8	15	22	29
J	2	9	16	23	30
Sh	3	10	17	24	31
Ya	4	11	18	25	

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Болалар боғчалари — 737 та
Тарбияланувчилар — 60585 нафар
Умумтаълим мактаблари — 518 та
Ўқитувчилар — 25105 нафар
Ўқувчилар — 311810 нафар
Касб-ҳунар мактаблари — 29 та
Ўқитувчи, усталар — 1313 нафар
Ўқувчилар — 18352 нафар
Янги турдаги таълим муассасалари — 22 та
Ўқувчилар — 7002 нафар
Педагогика билим юртлари — 2 та
Ўқитувчилар — 133 нафар
Ўқувчилар — 1634 нафар

FEVRAL

D	S	Ch	P	J	Sh	Ya
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Болалар боғчалари — 225 та
Тарбиячилар — 2804 нафар
Тарбияланувчилар — 17862 нафар
Умумтаълим мактаблари — 499 та
Ўқитувчилар — 19031 нафар
Ўқувчилар — 219099 нафар
Касб-ҳунар мактаблари — 16 та
Ўқитувчи, усталар — 426 нафар
Ўқувчилар — 6634 нафар
Янги турдаги таълим муассасалари — 19 та
Ўқитувчилар — 216 нафар
Ўқувчилар — 2996 нафар
Педагогика билим юртлари — 1 та
Ўқитувчилар — 99 нафар
Ўқувчилар — 1089 нафар

MART

D		2	9	16	23	30
S		3	10	17	24	31
Ch		4	11	18	25	
P		5	12	19	26	
J		6	13	20	27	
Sh		7	14	21	28	
Ya	1	8	15	22	29	

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Болалар боғчалари — 261 та
Тарбияланувчилар — 27543 нафар
Умумтаълим мактаблари — 370 та
Ўқитувчилар — 16347 нафар
Ўқувчилар — 181018 нафар
Касб-ҳунар мактаблари — 12 та
Ўқитувчи, усталар — 564 нафар
Ўқувчилар — 7448 нафар
Янги турдаги таълим муассасалари — 22 та
Ўқувчилар — 5584 нафар
Педагогика билим юртлари — 1та
Ўқитувчилар — 81 нафар
Ўқувчилар — 1164 нафар

APREL

D		6	13	20	27
S		7	14	21	28
Ch	1	8	15	22	29
P	2	9	16	23	30
J	3	10	17	24	
Sh	4	11	18	25	
Ya	5	12	19	26	

Ma'rifat MASH'ALI

Ўзбекистон Қаҳрамони, Қўқон шаҳридаги 10-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси Манзура МАДАЛИЕВА

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Болалар боғчалари — 848 та
Тарбияланувчилар — 72476 нафар
Умумтаълим мактаблари — 650 та
Ўқитувчилар — 29617 нафар
Ўқувчилар — 426997 нафар
Касб-ҳунар мактаблари — 33 та
Ўқитувчи, усталар — 1497 нафар
Ўқувчилар — 16621 нафар
Янги турдаги таълим муассасалари — 23 та
Ўқувчилар — 6351 нафар
Педагогика билим юртлари — 3 та
Ўқитувчилар — 229 нафар
Ўқувчилар — 3019 нафар

MAY

D		4	11	18	25
S		5	12	19	26
Ch		6	13	20	27
P		7	14	21	28
J	1	8	15	22	29
Sh	2	9	16	23	30
Ya	3	10	17	24	31

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Болалар боғчалари — 867 та
Тарбиячилар — 3177 нафар
Тарбияланувчилар — 64881 нафар
Умумтаълим мактаблари — 1182 та
Ўқитувчилар — 57064 нафар
Ўқувчилар — 628873 нафар
Касб-ҳунар мактаблари — 44 та
Ўқитувчи, усталар — 1605 нафар
Ўқувчилар — 23288 нафар
Янги турдаги таълим муассасалари — 39 та
Ўқитувчилар — 660 нафар
Ўқувчилар — 6215 нафар
Педагогика билим юртлари — 4 та
Ўқитувчилар — 306 нафар
Ўқувчилар — 4124 нафар

IYUN

D	1	8	15	22	29
S	2	9	16	23	30
Ch	3	10	17	24	
P	4	11	18	25	
J	5	12	19	26	
Sh	6	13	20	27	
Ya	7	14	21	28	

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Болалар боғчалари — 256 та
Тарбияланувчилар — 22227 нафар
Умумтаълим мактаблари — 328 та
Ўқитувчилар — 11690 нафар
Ўқувчилар — 151321 нафар
Касб-ҳунар мактаблари — 15 та
Ўқитувчи, усталар — 373 нафар
Ўқувчилар — 5427 нафар
Янги турдаги таълим муассасалари — 15 та
Ўқувчилар — 5493 нафар
Педагогика билим юртлари — 2 та
Ўқитувчилар — 119 нафар
Ўқувчилар — 1173 нафар

IYUL

D		6	13	20	27
S		7	14	21	28
Ch	1	8	15	22	29
P	2	9	16	23	30
J	3	10	17	24	31
Sh	4	11	18	25	
Ya	5	12	19	26	

1998 yil

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Болалар боғчалари — 370 та
Тарбияланувчилар — 29920 нафар
Умумтаълим мактаблари — 744 та
Ўқитувчилар — 36361 нафар
Ўқувчилар — 364711 нафар
Касб-ҳунар мактаблари — 36 та
Ўқитувчи, усталар — 1800 нафар
Ўқувчилар — 20430 нафар
Янги турдаги таълим муассасалари — 28 та
Ўқувчилар — 6323 нафар
Педагогика билим юртлари — 4 та
Ўқитувчилар — 306 нафар
Ўқувчилар — 3447 нафар

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Болалар боғчалари — 630 та
Тарбияланувчилар — 112320 нафар
Умумтаълим мактаблари — 338 та
Ўқитувчилар — 19636 нафар
Ўқувчилар — 174232 нафар
Касб-ҳунар мактаблари — 43 та
Ўқитувчи, усталар — 1354 нафар
Ўқувчилар — 24223 нафар
Янги турдаги таълим муассасалари — 53 та
Ўқувчилар — 24223 нафар
Педагогика билим юртлари — 4 та
Ўқитувчилар — 428 нафар
Ўқувчилар — 4251 нафар

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Болалар боғчалари — 453 та
Тарбияланувчилар — 31107 нафар
Умумтаълим мактаблари — 797 та
Ўқитувчилар — 32359 нафар
Ўқувчилар — 414665 нафар
Касб-ҳунар мактаблари — 30 та
Ўқитувчи, усталар — 1008 нафар
Ўқувчилар — 13076 нафар
Янги турдаги таълим муассасалари — 21 та
Ўқувчилар — 2979 нафар
Педагогика билим юртлари — 3 та
Ўқитувчилар — 174 нафар
Ўқувчилар — 2374 нафар

AVGUST

D		3	10	17	24	31
S		4	11	18	25	
Ch		5	12	19	26	
P		6	13	20	27	
J		7	14	21	28	
Sh	1	8	15	22	29	
Ya	2	9	16	23	30	

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Болалар боғчалари — 741 та
Тарбияланувчилар — 78743 нафар
Умумтаълим мактаблари — 892 та
Ўқитувчилар — 35671 нафар
Ўқувчилар — 482883 нафар
Касб-ҳунар мактаблари — 36 та
Ўқитувчи, усталар — 1026 нафар
Ўқувчилар — 16557 нафар
Янги турдаги таълим муассасалари — 26 та
Ўқувчилар — 8721 нафар
Педагогика билим юртлари — 3 та
Ўқитувчилар — 239 нафар
Ўқувчилар — 2361 нафар

SENTABR

D		7	14	21	28
S	1	8	15	22	29
Ch	2	9	16	23	30
P	3	10	17	24	
J	4	11	18	25	
Sh	5	12	19	26	
Ya	6	13	20	27	

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Болалар боғчалари — 1162 та
Тарбиячилар — 9104 нафар
Тарбияланувчилар — 108353 нафар
Умумтаълим мактаблари — 886 та
Ўқитувчилар — 44136 нафар
Ўқувчилар — 562115 нафар
Касб-ҳунар мактаблари — 44 та
Ўқитувчи, усталар — 1552 нафар
Ўқувчилар — 22343 нафар
Янги турдаги таълим муассасалари — 51 та
Ўқувчилар — 10881 нафар
Педагогика билим юртлари — 2 та
Ўқитувчилар — 232 нафар
Ўқувчилар — 3240 нафар

OKTABR

D		5	12	19	26
S		6	13	20	27
Ch		7	14	21	28
P	1	8	15	22	29
J	2	9	16	23	30
Sh	3	10	17	24	31
Ya	4	11	18	25	

NOYABR

D	S	Ch	P	J	Sh	Ya
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30						

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Болалар боғчалари — 440 та
Тарбияланувчилар — 32572 нафар
Умумтаълим мактаблари — 520 та
Ўқитувчилар — 27670 нафар
Ўқувчилар — 314757 нафар
Касб-ҳунар мактаблари — 35 та
Ўқитувчи, усталар — 1389 нафар
Ўқувчилар — 16837 нафар
Янги турдаги таълим муассасалари — 40 та
Ўқувчилар — 10964 нафар
Педагогика билим юртлари — 1 та
Ўқитувчилар — 100 нафар
Ўқувчилар — 1493 нафар

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Болалар боғчалари — 442 та
Тарбияланувчилар — 33522 нафар
Умумтаълим мактаблари — 1058 та
Ўқитувчилар — 45693 нафар
Ўқувчилар — 518462 нафар
Касб-ҳунар мактаблари — 36 та
Ўқитувчи, усталар — 1271 нафар
Ўқувчилар — 17702 нафар
Янги турдаги таълим муассасалари — 32 та
Ўқувчилар — 5762 нафар
Педагогика билим юртлари — 2 та
Ўқитувчилар — 278 нафар
Ўқувчилар — 3142 нафар

DEKABR

D		7	14	21	28
S	1	8	15	22	29
Ch	2	9	16	23	30
P	3	10	17	24	31
J	4	11	18	25	
Sh	5	12	19	26	
Ya	6	13	20	27	

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Ҳулкар ТУЙМАНОВА,
Нурлан УСМОНОВ

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0825. Тиражи 21.111. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6